

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Ped.34.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАГУЛОВ ЗИНАТДИН УЗАКБЕРГЕНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мехнат таълими)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Джумагулов Зинатдин Узакбергенович**

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини  
инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш..... 3

**Джумагулов Зинатдин Узакбергенович**

Совершенствование методической подготовки будущих учителей  
трудового обучения на основе инновационного подхода..... 21

**Dzhumagulov Zinatdin Uzakbergenovich**

Improving the methodological training of future teachers of labor training  
on the basis of an innovative approach..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication..... 43

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Ped.34.01  
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАГУЛОВ ЗИНАТДИН УЗАКБЕРГЕНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мехнат таълими)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1097 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбанов Мирзааҳмад  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиев Эркин Искендарович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Кўйсинов Одил Алмуратович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» XII соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75; e-mail: [nkspi\\_info@edu.uz](mailto:nkspi_info@edu.uz).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «11» XII кун тарқатилди.  
(2020 йил «11» XII даги 78 рақамли реестр баённомаси).



Б.П.Отемуратов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, п.ф.н., доцент

Э.И.Рўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди<sup>1</sup>. Мазкур концепция таълим тизимида педагоглар, жумладан, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш устуворлик касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда таълимга инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш орқали ижодий таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, шунингдек олий таълимнинг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш масалалари долзарб йўналишлардан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Ана шу нуқтаи-назардан илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий меҳнат таълими мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган булажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга кенг татбиқ этиш асосида педагогик механизмларни янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган инновацион технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, бўлажак ўқитувчиларни замонавий касбий билимлари ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup> Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами –Т., 2017. –Б.37.

тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада меҳнат таълимини ўқитиш муаммоларини О.Абдуқуддусов, Н.Н.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов, таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарий ва методик асослари борасида А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Н.Н.Азизхўжаева, Л.В.Голиш, Р.Ж.Ишмухаммедов ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, компетентлиги ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари бўйича Р.Ҳ.Жўраев, Б.Х.Рахимов, Ж.Толипова, Ў.Толипов, М.Қурбанов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар томонидан келгуси касбий фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муаммолари И.М.Богданов, О.С.Гребенюк, Т.Н.Демиденко, М.В.Кларин, П.Е.Решетников, В.А.Сластенин ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Хорижда David Jaques, Michael Henderson, Geoff Romeo, Robert V. Bar, John Tagg ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоси турли соҳа олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, илмий манбалар таҳлили бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг мотивацион, когнитив, фаолиятга йўналтирилган ва креатив босқичларини лойиҳалаштиришнинг педагогик имкониятларига оид тадқиқотлар заруратини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА5-ХТ-1-31884-рақамли «Инновацион технологиялар шароитида физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини шакллантириш усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларида бўлажак меҳнат ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида

такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

муаммонинг психология, педагогика назарияси ва амалиётидаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражаси шаклланганлик кўрсаткичларининг мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив мезонларини аниқлаш;

инновацион ёндашув асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш;

меҳнат таълими самарадорлигини таъминлаш, маъруза, амалий машғулотларни мультимедиа воситалари ёрдамида ўтказиш, талабаларда ижодий қобилиятни ривожлантириш ва билим олишни фаоллаштиришга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаларида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнлари белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтининг 306 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод, восита ва технологиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, узлуксиз таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анкета, суҳбат, кузатиш, тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлик даражасини ифодаловчи мотивацион, когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив кўрсаткичларни такомиллаштириш босқичлари белгиланган;

меҳнат таълимининг ахборот-методик таъминоти интегратив дидактик воситалар (интегратив ресурслар, мультимедиа маҳсулотлари, виртуал лабораториялар, интеллектуал ўйинлар)нинг фаоллаштирувчи имкониятлари (фикрлаш, мослашув, англаш, билиш) асосида такомиллаштирилган;

бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида методик тайёргарлиги ҳолатини ўрганиш ва аниқланган бўшлиқлар билан ишлашга қаратилган касбий компетентлик даражасини оширишнинг интерфаол ўқитиш технологияларини такомиллаштирилган;

бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг инновацион касбий компетенлигини шакллантириш ва ривожлантиришда фаолият турларини инновацион йўналишда мослашувчанлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга доир меҳнат таълими ўқитиш методикаси фанидан методик таъминоти, шунингдек, Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаси такомиллаштирилган;

педагогик олий таълим тизимида инновацион ёндашув тушунчаси ва унинг моҳияти ҳамда касбий фаолияти мазмуни илмий асосланган, замонавий шароитларда бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммолари аниқлаштирилган;

инновацион фаолият моделини амалий фаолиятга жорий қилиш жараёнини самарали таъминлаш имконини берадиган методик тавсиялар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва методлар, фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари ёрдамида тасдиқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг психологик-педагогик моҳияти очиб берилганлиги, назарий асосда кенгайтирилганлиги, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга доир концептуал ёндашувлар ва устувор йўналишларнинг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат таълимида интерактив дастурий воситалардан самарали фойдаланиш мақсадида яратилган электрон ресурслар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга хизмат қилиши, меҳнат таълимига оид ахборот-таълим муҳитининг яратилганлиги, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари асосида «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» ўқув-услугий қўлланмасининг яратилганлиги билан асосланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан технология фани ўқитувчиларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:



бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга доир компетенциялар «5112100 – Меҳнат таълими» бакалавриат таълим йўналиши Давлат таълим стандарти, малака талаблари мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги №89-04-1250-сонли маълумотномаси). Мазкур компетенциялар асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга эришилган;

меҳнат таълими ўқитишнинг методик жараёнлари, интерфаол таълим технологиялари, ўқув материалларини танлаш ва лойиҳалаш технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ЁА5-ХТ-1-31884-рақамли «Инновацион технологиялар шароитида физика ўқитувчисини методик тайёргарлигини шакллантириш усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги №89-03-2553-сонли маълумотномаси). Натижада, таълим олувчиларда халқаро баҳолаш дастурларига асосланган масалалар ва тест топшириқлари асосида меҳнат таълими фанлари бўйича саводхонликни оширишга эришилган;

талабалар методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг репродуктив, функционал, тизимли методик таъминоти, илғор педагогик технологиялар воситасида интерфаол методларга мўлжалланган амалий, мантиқий ва ностандарт характердаги индивидуал-ижодий масалалар бўйича тавсиялардан ИТД-1-148 рақамли «Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси» номли амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги №89-03-2553-сонли маълумотномаси). Натижада, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишга доир тавсиялар талабаларнинг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 мақола, жумладан, 8 республика ва 2 хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини педагогик фаолиятга тайёрлашда таълим технологияларининг ўрни ва меҳнат таълими ўқитувчисини педагогик фаолиятга тайёрлашда ўқитишнинг узвийлиги ёритилган.


Тайёргарлик – инсон фаолиятининг шакли бўлиб, у умумий фаолият тизимининг таркибига киради. Ҳозирги пайтда ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёргарлиги бўйича икки хил ёндашув: функционал ва шахсий, яъни шахсий-фаолиятли ёндашув мавжуд.

Педагогик тайёргарлик педагогик фаолият тизими таркибидаги кичик тизимни ташкил этади. Мазкур тадқиқотга мувофиқ педагогик фаолият қуйидаги кичик тизимларни ўз ичига олади: касбий кадрлар – меъёрлар, мақсад ва вазифалар, таълим-тарбия жараёни, таълим-тарбияга оид билим, кўникма, фаолиятни режалаштириш, ижтимоий мақом, касб нуфузи; психологик таркибий қисм – мотивлар, эҳтиёжлар, интилишлар, ижтимоий гуруҳ аъзоларига хос бўлган шахсий хусусиятлар; педагогик таркибий қисм – фаолиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ташкил этилиши ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини шакллантириш муаммоси педагогик касбий тайёргарликнинг кўп қирралари билан узвий боғланган бўлиб, касб педагогикасининг касбий педагогик тайёргарлик, касбий педагогик таълим тизими, узлуксиз таълим, педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касбий педагогик тайёргарликнинг мазмуни ва уни шакллантириш йўллари, инновацион технологиялар ва бошқа бир қанча атама ҳамда тушунчалар билан изоҳланган. Бу масала тадқиқот давомида меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратиш, бу жараённинг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги

масаласи узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, педагогик олий таълим, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш турлари билан мувофиқ ҳолда тўрт томонлама кўриб чиқишни тақозо этади. Меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини тўғридан-тўғри қўллаш кутилган натижани бермайди. Шунинг учун уларни қўллашда ижодий ёндашмоқ лозим.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг йўллари қуйидагилар ҳисобланади: «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» курсининг мазмунини янгилаш, жамиятдаги маънавий-маърифий ўзгаришлар, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнига мослаш; таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллаш; педагогик амалиётнинг самарадорлигини орттириш; талабаларни ижодий изланишларга йўллаш орқали битирув малакавий ишларни ёзиш бўйича методик тайёргарлигини шакллантириш.



**1-расм. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш механизми**

Диссертацияда меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг методологик таркибий қисмга оид билим, кўникма ва малакалар методик тайёргарликнинг қолган таркибий қисмларига назарий асос бўлиб хизмат қилишини кўрсатади.


Шу асосда, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш механизми 1-расмда келтирилган.

Педагогикада инновацион ёндашув асосида ўқитишнинг кўплаб таснифлари мавжуд, аммо биз тадқиқотимизда ўрганишимиз учун қуйидагилардан фойдаланамиз:

1. Анъанавий усуллар: ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбат, ўқитиш тартиби, намоиш қилиш, дарслик ва китоб билан ишлаш, машқ (оғзаки, ёзма, ўқув), лаборатория ва амалий иш.

2. Инновацион усуллар: ўйинлар (ташкилий-фаолият, рол, бизнес, дидактик) ўйинни лойиҳалаш, лойиҳадаги асосий фаолият (тадқиқотли, ижодий, ролли, амалий ва йўналтирилган) учун мавзу-контент майдони (монопроект ва фанлараро лойиҳа), иштирокчилар (якка, жуфт ва гуруҳ бўлиб) сонига қараб, характери (очик ва яшириш мувофиқлаштириш) мувофиқлаштириш, амалга ошириш (қисқа ва узок муддатли) муддати, муайян вазиятларни таҳлил қилиш (вазиятли-муаммолар, вазият-баҳолаш, вазият-иллюстарция ва вазият машқ).

Тадқиқотимиз борасида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг блок схемаси 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган схемаси**

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимли, рефлексив-фаолиятли ва индивидуал-ижодий ёндашув асосида олиб борилган.

Узвий ривожланиш ходисалар орасидаги боғланиш бўлиб, бунда янгилик эскиликнинг ўрнини олиб, илгарилаш учун асос сифатида баъзи

элементларини ўзида сақлаб қолади. Меҳнат таълимини ўқитиш усуллари, шакллари ва воситалари методологик ва умумдидактик тамойиллар асосида қаралади. Таълимда узвийлик ўқув материали мазмуни билан ўқитиш усулларининг узвий бирлигида намоён бўлиши лозим. Узвийлик уларга боғлиқ, бироқ у нисбатан мустақилликка эга бўлиб, ўқув материали ва ўқитиш усулларининг такомиллашувига таъсир кўрсатади. Узвийликнинг усулларда намоён бўлиши ўқитишнинг дидактик йўлларини амалга ошириш асосида рўй беради. Кўриниб турибдики, биринчи вазифа ўқитишда узвийликнинг барча асосий элементларини бир тизимга бирлаштиришга, иккинчи вазифа дидактиканинг бошқа тамойиллари билан ўзаро алоқадорликка, учинчи вазифа ўқитиш усул ва шакллари оқилона танлашга қаратилган, тўртинчи вазифа билимларни умумлаштиришни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнида узвийлик бир босқичдаги билим, кўникма ва малакаларни, иккинчи юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ алоқадорликни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Узвийликнинг муваффақиятли амалга ошишига ўқув-меъёрий хужжатлар ва предметларининг мазмуни (дастур, дарслик, қўлланмалар)даги узвийлик; талабаларнинг тайёргарлиги ва ўқитувчининг касбий маҳорат даражаси ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, узвийлик бир пайтнинг ўзида ҳам педагогик, ҳам психологик муаммо бўлиб, педагогдан асосли равишда уни амалга жорий этишни талаб этади. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришда: анъанавий ва ноанъанавий машғулотларни фарқлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса қилиш, камчиликларини аниқлаш; таълим жараёнига янгиликлар киритиш, технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиш ҳамда дарс машғулотларига жорий этиш заруратини тушуниш; илмий асосланган тамойиллар ва қонуниятлар асосида таълим жараёни самарадорлигини ошириш; лойиҳалаштириш, ўқув мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, мультимедиа тизимлари асосида ўқитиш; баҳолаш; мавзулар бўйича таҳлилий ёндашув асосида реферат ёзиш; ўқитишга инновацион ёндашув асосида машғулот ўтказишнинг услубий ишланмасини лойиҳалаш; очик дарс ўтказиш ҳамда ўқитишга инновацион ёндашувда унинг восита, метод, шакл ва усулларини қўллаш лозим.

Диссертациянинг **«Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, технологиялари ҳамда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолиятга методик тайёргарлигини назорат қилиш ва баҳолаш ҳақида баён қилинган.

Тадқиқотда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, аввало, «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» курси мазмунига киритилган бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигига асос бўладиган билим, кўникма ва малакаларни ажратиш ва уларнинг курсни ўқитиш давомида

талабаларда шаклланганлик даражасини ўрганиш, олинган натижага мувофиқ таълим-тарбия жараёнининг бориши ва мазмунига муайян ўзгартиришларни тақозо этади. Шу мақсадда талабаларда методологик, гносеологик, конструктив, коммуникатив, лойиҳалаш, ташкилотчилик тушунчалари, билимлар ва кўникмаларини машғулотлар давомида шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Тадқиқотда лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш методикаси оддийдан мураккабга қараб тамойили бўйича ишлаб чиқилган, масалан, «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» ўқув фанини ўқитишнинг хусусий масалалари ўқитувчининг кўрсатмасига биноан тузилган талабалар мустақил бажарадиган ижодий характердаги ўқув топшириқларидан иборат бўлиши назарда тутилган.

«Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» ўқув курсини ўқитишда талабаларда келгуси педагогик фаолияти учун зарур бўладиган методик билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларни малака даражасига кўтариш мақсадида талабаларнинг мустақил таълимини йўлга қўйиш зарур.

Диссертацияда талабаларнинг мустақил таълим режаси маъруза, лаборатория машғулотлари мазмуни билан узвийликда ишлаб чиқилган, маърузада ўзлаштирган билимлари, лаборатория машғулотларида шакллантирилган кўникмаларнинг мустақил таълим жараёнида ижодий қўлланишига эътибор қаратилди.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида меҳнат таълимини ўқитишни такомиллаштириш, меҳнат дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш, меҳнат таълимини ўқитиш шакллари дарс, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар, экскурсияларни ташкил этиш, ўқувчилар қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш йўллари ёритилган ўқув-методик қўлланмалар яратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, талабалар узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, психологик муносабатларни ўзлаштириши, бошқаларда инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши муҳим. Бу касбий қизиқишлари кўламини кенгайтириш, методик адабиётларни ўрганиш бўйича назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлари аниқлаштирилган.

Талабалар меҳнат таълимини ўрганиши, билим олиши, касбий маҳорати, педагогик тажрибаларини ошириши учун қуйидаги талабларни бажариш лозим:

машғулотларда дарс ишланмаларини турли шаклларда тузиш;  
инновацион таълим технологиялари тамойиллари асосида машғулотларни ўтказиш, амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар билан таъминлаш, баҳолаш учун шароит яратиш;

кичик гуруҳларда мустақил ишлаш, ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича қўшимча дарсларни ўрганиш;

амалий машғулотларини баҳс-мунозара шаклида олиб бориш, танқидий фикрлашни ривожлантирувчи тест вариантларини тузиш, таҳлилий ёндашув

асосида реферат ёзиш, ижодий тафаккурни ривожлантирувчи матнлар билан ишлаш, кўникмаларини шакллантирувчи технологиялардан фойдаланиш.

Инновацион таълим технологиялари самарадорлиги бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг ўз фани бўйича олган билимлари, замонавий техника ва ахборот технологияларини ўрганиши, интеллектуал қобилиятларининг шаклланиши даражасини ҳамда кўникма ва малакалари, педагогик маҳорати ва касбий қобилиятлари ривожланиш даражаларининг ўсишини белгилайди.

Инновацион таълим технологиялари самарадорлигини таъминлашда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш мураккаб педагогик жараён ҳисобланиб, унга инновацион таълим технологияларини жорий этиш ҳамда технологик ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий компонентларига ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглари, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий анжуманлар, илғор педагогик технологияларни оммалаштиришни киритиш мумкин.


Талаба билимини баҳолашнинг тартибга солинган тизими: мотивациясига ижобий таъсир қилиш (тескари алоқа уларга ташкилий фаолиятни тўғрилаш имконини бериб, мотивацияга яхши таъсир қилади); ўқитишни режалаштириш (баҳолаш талабанинг малакаси билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўриш имконини беради); касбий ривожланишини режалаштириш (баҳолаш индивидуал ривожлантириш режаларини тайёрлаш имконини беради); кучли ёки заиф касбий сифатларини юзага чиқаради; тақдирлаш (баҳолаш мунтазам билим олиш самарадорлигини оширади).

Тадқиқот натижаларига кўра, ўзини-ўзи баҳолашнинг тўртта асосий шаклини ажратиш кўрсатамиз: долзарб – маълум бир вақтда ўзини-ўзи қандай тасаввур қилса, ўзини-ўзи шундай баҳолайди; ретроспектив – ўзининг бошланғич фаолияти натижаларига асосан ўзини-ўзи баҳолайди ва тасаввур қилади; идеал – ўзини қандай тасаввур қилишни хоҳлаган бўлса, шундай баҳолайди; рефлексив – ўз нуқтаи назарига кўра атрофдаги ҳамкасблари қандай баҳолашса, у ўзини шундай баҳолайди. Ўзини-ўзи баҳолаш талабага олган билимларини таҳлил қилиш учун имконият яратади. Ўзини-ўзи баҳолаш мақсадга эришиш сари интилиш, касбий қобилиятларни ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Тадқиқотлар жараёнида талабанинг ўз фаолиятини баҳолашда муҳим аҳамият касб этувчи босқич баҳолаш методлари ва воситаларини танлаш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштиришнинг дидактик компонентларини тақдим этдик (3-расм).

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш самарадорлигини баҳолашга нисбатан мазкур ёндашувлар улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни аниқлашда муҳимдир.



**3-расм. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш дидактик компонентлар**



Диссертациянинг «Педагогик фаолиятга бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишлари» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни ва ўтказиш методикаси, тажриба-синов натижалари ва тажриба-синов натижаларини амалиётга жорий этиш йўналишлари ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Навоийи ва Нукус давлат педагогика институти 5112100-«Меҳнат таълими» йўналиши талабаларига 2014-2019 йилларда олиб борилди.

Тадқиқот жараёнида «Меҳнат таълими ўқитиш методикаси» фани дастури асосида респондент-талабаларнинг инновацион таълим технологиялари воситасида методик компетентлигини ривожланганлик даражаларини белгилашнинг қуйидаги мезонлари ривожлантирилди:

когнитив мезонлар: талабаларнинг психологик-педагогик билимлари – бўлажак меҳнат ўқувчиларининг ёш ва индивидуал, психофизиологик хусусиятларини, ўқув жараёнини ташкил қилиш шакл, метод ва воситаларини, ўқувчиларни ташхислашнинг асосий методикасини, инновацион педагогик технологияларни билиши;

жараёнли мезонлар: коммуникатив кўникмалар – таълим жараёнида ўқувчилар билан педагогик мулоқотни ташкил қилиш маҳорати, талаба берилган топшириқни бажаришга ижодий изланиш муҳитини яратиш маҳорати, ҳиссий муносабат ўрнатиш лаёқати;

интегратив мезонлар: технология фанини бошқа фанлар билан интеграциялаш қобилияти, ижодий салоҳият, касбий ўсишга интилиш хусусиятларининг ташкил топтирилиши.

Педагогик тажриба-синов гипотеза сифатида назорат гуруҳида олиб борилди ва олинган натижалар таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

Тажриба-синов натижаларидан олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишларини қайта ишлаш учун  $\chi^2$  мезони асосида иш олиб борилди.

Тажриба синов ишларининг сўнги босқичида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Навоийи ва Нукус давлат педагогика институти учун олинган натижалар асосида тадқиқот самарасини текшириш мақсадида умумий кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган жадвални келтирамиз

		Гносеологик билим ва кўникмалар			Лойихалашга оид билим ва кўникмалар			Коммуникатив билим ва кўникмалар			Конструктив билим ва кўникмалар		
Баҳолаш даражалари		3	4	5	3	4	5	3	4	5	3	4	5
Эмпирик нисбий частоталар	ТГ	0,21	0,53	0,27	0,20	0,51	0,29	0,18	0,60	0,22	0,19	0,54	0,27
	НГ	0,47	0,47	0,06	0,55	0,39	0,05	0,45	0,51	0,04	0,52	0,43	0,05

нисбий частоталар йигиндиси	ТГ	1,00			1,00			1,00			1,00		
	НГ	1,00			1,00			1,00			1,00		
нисбий частоталар айирмасининг абсолют қиймати		0,2659	0,0589	0,2070	0,3513	0,1183	0,2331	0,2720	0,0907	0,1813	0,3249	0,1113	0,2136
фарқларнинг максимуми		0,27			0,35			0,27			0,32		
Комогоров-Смирнов статистикаси		2,33			3,07			2,38			2,84		
Критик қиймат		1,36			1,36			1,36			1,36		
Ўртача қиймат	4,06	4,08			4,05			4,07			3,44		
	3,59	3,50			3,59			3,53			3,46		
Танланма дисперсия	0,47	0,48			0,40			0,46			0,33		
	0,36	0,36			0,32			0,36			0,30		
ишонч оралиги	ТГ	3,98	$\leq a1 \leq$	4,13	4,01	$\leq a1 \leq$	4,16	3,98	$\leq a1 \leq$	4,11	4,00	$\leq a1 \leq$	4,14
	НГ	3,53	$\leq a2 \leq$	3,64	3,44	$\leq a2 \leq$	3,56	3,54	$\leq a2 \leq$	3,64	3,48	$\leq a2 \leq$	3,59
Самарадорлик		1,13			1,17			1,13			1,15		
Хулоса		Н0			Н1			Н1			Н1		

Демак, якуний натижалардан кўринадикки, танлаб олинган гуруҳлардан тажриба ва назорат гуруҳларидаги оралик интервали устма уст тушмаслигини,  $\lambda_{крит} \geq \lambda_{эмн}$  шарт бажарилмаётганли учун  $H_0$  гипотезани рад этилиб  $H_1$  гипотеза қабил қилинади. Бундан кўринадикки тажриба гуруҳларида олиб борилган тадқиқот ишларининг якуний боқичида олидинги ишлар такомиллаштирилганлиги ва қайта ишланганлиги натижасида самарадорлик кўрсаткичи ўртача ҳар бир мезонга мос равишда 1.13, 1.17, 1.13, ва 1,15 баробарга юқори, яъни 13 % дан 17 фоизгача ўртача 15% ўсиш кузатилганлигини кўриш мумкин.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида яратилган ўқув-методик қўлланмалар таълим жараёнларига татбиқ этилиб, ишлаб чиқилган дарс ишланмалари, методик кўрсатмалар талабаларнинг билим савиясининг сезиларли ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида тадқиқот натижалари

самарадорлигини ва тавсиялар ҳамда ишланмаларнинг илмий-педагогик нуқтаи назаридан ишончилигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСА

1. Меҳнат таълим-бакалаврларнинг илмий-методик тайёргарлигини таркиб топтиришда асос бўлиб хизмат қиладиган педагогик-психологик тайёргарликнинг мазмуни такомиллаштирилди.

2. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида илмий-методик тайёргарликни таркиб топтиришнинг методлари, воситалари ва шакллари ишлаб чиқилди.

3. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси” курсини ўқитишни такомиллаштириш мақсадида мазкур курс мазмуни меҳнат таълими ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари имкониятларини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва муайян тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Меҳнат таълим-бакалаврларнинг илмий-методик тайёргарлигини орттиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланди.

5. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг илмий-методик тайёргарлигига қўйилган талаблар асосида мазкур тайёргарликни орттиришнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шакллари ишлаб чиқилди.

6. Педагогика олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни уйғунлашган ҳолда фойдаланишни йўлга қўйиш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини орттиришнинг муҳим омили эканлиги аниқланди.

7. Талабаларнинг мустақил иши ва таълимини режали, босқичма-босқич ташкил этилиши уларни мақсадли ижодий ва илмий-тадқиқот ишларига йўллаш имконини бериши маълум бўлди.

8. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг илмий методик тайёргарлиги даражасини орттириш мақсадида меҳнат таълимини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларини танлаш, таълим-тарбия жараёнини дидактик ўйин, муаммоли, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалаш каби технологияларга асосланган ҳолда ташкил этиш, талабаларнинг мустақил таълимини босқичма-босқич ва ижодий изланишларга йўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий педагогик таълим, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш турларида келгусида амалга ошириш лозим бўлган ишлар ажратиб кўрсатилди.

Хулосалар асосида қуйидаги **тавсиялар** берилади:

1. Меҳнат таълими ўқитувчисининг методик тайёргарлигининг барча таркибий қисмларини такомиллаштиришда инновацион технологияларидан фойдаланиш лозим.

2. Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълим мактабларида ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида фойдаланиш даркор.

3. Меҳнат таълими ўқитувчисининг умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграцияси асосида методик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид илмий-амалий методик тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.2019.Ped.34.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НУКУССКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ДЖУМАГУЛОВ ЗИНАТДИН УЗАКБЕРГЕНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ  
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ТРУДОВОГО ОБУЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ  
ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА**

**13.00.02 - Теория и методика образования и воспитания (трудовое обучение)**

**АВТОРЕФЕРАТ диссертаций доктора философий (PhD) по  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.Phd/Ped1097.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу [www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Курбанов Мирзаахмад  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Рўзиев Эркин Искендарович  
доктор педагогических наук, профессор

Кўйсинов Одил Алмуратович  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «25» XII, 2020 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 по присуждению учёных степеней при Нукусском государственном педагогическом институте. (Адрес: 230105, г. Нукус, улица П.Сейтова. Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75; e-mail: nkspi\_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Нукусского государственного педагогического института (регистрирована за номером 18). Адрес: 230105, г. Нукус, улица П. Сейтова. Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75.

Автореферат диссертации разослан 11 XII 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 18 от 11 XII 2020 года).



**Б.П.Отемуратов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.-м.н., доцент

**З.К.Курбаниязова**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.п.н., доцент

**Э.И.Рузиев**

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д. п. н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В XXI веке в мировом масштабе образование признано как основной фактор обеспечения устойчивого развития, в международной концепции образования до 2030 года определено как актуальная задача «создания возможности для получения качественного образования в течение всей жизни».<sup>1</sup> В системе образования приоритет приобретает в профессиональной деятельности педагогов, в том числе, будущих учителей трудового обучения повышение уровня методической подготовки и расширение возможности использования технологий, направленных на развитие творческого мышления.

В мире в настоящее время как один из актуальных направлений исследуются вопросы повышения конкурентоспособности будущих учителей на основе инновационного подхода к образованию, создание современное методическое обеспечение проектирования творческого образовательного процесса путем совершенствования методической подготовки педагогических кадров, а также повышения социальной роли высшего образования в процессе обеспечения качества образования. С этой точки зрения важное значение имеют интернационализация и модернизация содержания современного трудового обучения на основе передовых зарубежных опытов, совершенствование основанной на компетенциях методической подготовки будущих учителей на основе инновационной подготовки, дальнейшее совершенствование педагогических механизмов на основе широкого внедрения в практику интерактивных методов и технологий обучения.

В соответствии с приоритетными направлениями Стратегии действий, вопросы повышения уровня качества подготовки кадров в Узбекистане, создания необходимых условий для подготовки высококвалифицированных специалистов на основе международных стандартов, установления тесных связей сотрудничества каждого высшего образовательного учреждения с ведущими научными и образовательными учреждениями мира, широкого внедрения в учебный процесс инновационных технологий, учебных планов и учебно-методических материалов, основанных на международных образовательных стандартах, совершенствования современных профессиональных знаний и методической подготовки будущих учителей, эффективного использования интерактивных методов в работе с молодежной аудиторией определены как основные задачи повышения в качественном аспекте и коренного совершенствования уровня высшего образования.<sup>2</sup>

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлениях главы

---

<sup>1</sup> Incheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea).

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

государства «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года № ПП-3775, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В нашей республике проблемы преподавания трудового обучения изучали О.Абдукудусов, Н.Н.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Куйсинов, теоретические и методические основы использования современных информационно-коммуникационных технологий в образовании исследовали А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Н.Н.Азизхужаева, Л.В.Гольш, Р.Ж.Ишмухаммедов, вопросы совершенствования профессиональной подготовки, компетентности, а также методической подготовки учителей в научном аспекте рассматривали Р.Х.Жураев, Б.Х.Рахимов, Ж.Толипова, У.Толипов, М.Курбанов и ряд других учёных.

В странах Содружества независимых государств (СНГ) проблемы изучения будущими учителями последующей профессиональной деятельности с учетом ее своеобразных особенностей в высших образовательных учреждениях исследованы в научных трудах И.М.Богданова, О.С.Гребенюка, Т.Н.Демиденко, М.В.Кларина, П.Е.Решетникова, В.А.Сластенина и других.

За рубежом исследованы в трудах David Jaques, Michael Henderson, Geoff Romeo, Robert V. Bar, John Tagg и других.

Хотя проблема совершенствования методической подготовки будущих учителей была изучена учеными разных сфер, анализ научных источников определил необходимость исследований по педагогическим возможностям проектирования мотивационных, когнитивных, деятельностно-ориентированных и креативных этапов совершенствования методической подготовки будущих учителей трудового обучения на основе инновационного подхода.

**Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Нукусского государственного педагогического института по теме ЁА5-ХТ-1-31884 «Методы формирования методической подготовки учителя физики в условиях инновационных технологий».

**Цель исследования** состоит из разработки научно обоснованных предложений и рекомендаций по совершенствованию методической



подготовки будущих учителей труда в высших образовательных учреждениях на основе инновационного подхода.

**Задачи исследования:**

изучить, анализировать и обобщить современное состояние проблемы в психологии, теории и практике педагогики;

определить мотивационные, когнитивные, технологические, социально-коммуникативные и рефлексивные критерии показателей сформированности уровня методической подготовки будущих учителей трудового обучения;

совершенствовать методическую подготовку будущих учителей трудового обучения на основе инновационного подхода;

